## Пудратшартномаси№ 91

Тошкентшахри "30 08 2022йил

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган Учтепа тумани Махалла ва Нуронийларни қуллаб қуватлаш бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи **Юсупов Л О** бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган **"J-I SERVISE" МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи **А.А.Абдураимов** иккинчи томондан Учтепа туманида жойлашган "Ок мачит мфй худудида болалар майдончаси" пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

**1.Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:**

**"ижро ҳужжатлари":** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар:

**"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

**"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":-** сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолдашартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ болалар майдончаси бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори **(2022 йил "24" август "139209" сон баённома** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар ва ҚҚС билан бирга «203 485 339 » (Икки юз уч миллион тўрт юз саксон беш минг уч юз ўттиз тўққиз) сўмни ташкил этади.

4. Қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сканировано с CamScanner

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ 1 ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- “ 1” иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисобкитоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан уттиз куни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу **“61 045 602” (олтмиш бир миллион қриқ беш минг олти юз икки** ) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг **70%** гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек

қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг Vбўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади. **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкуршартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа

ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни; объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш
қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 24 **ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50 %** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **5** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI.Коррупцияга қарши шартлашув

66. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив

ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади

## XVII. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган хар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

74. Шартномани амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари:

| « ПУДРАТЧИ:» | « БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **ООО "J-I SERVISE"**<br>*Адрес: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 4 мавзе 18 уй*<br>*х/р 20208000205331713001*<br>*Банк: ОАТ "Алоқа банк" Миробод филиали*<br>*МФО: 01091*<br>*ИНН: 308094068*<br>*Руководитель: ____________ А.А.Абдураимов*<br>*М.П* | **Махалла ва Нуронийларни қуллаб қуватлаш бўлими.**<br>*Адрес: Фарход кўчаси 21 уй*<br>*х/р 100022860262627011906259002*<br>*ИНН: 207319643*<br>*Молия Вазирлиги Ғазначилиги*<br>*МФО: 00014*<br>*х/р 23402000300100001010*<br>*ИНН: 201122919*<br>*Руководитель: ____________ Л. О.Юсупов*<br>*М.П* |

Сканировано с CamScanner

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: LM7354011408

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI
UCHTEPA TUMAN
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
100131, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 26-mavze, 1B-uy.
El.pochta: Uchtepayurmarkaz@adliya.uz.

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN-HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2.Loyihaning nomi:** Keyingi o'rinlarda **"Buyurtmachi"** deb yuritiladigan Uchtepa tumani Maxalla va Nuroniylarni qo'llab quvvatlash bo'limi nomidan Nizom asosida ish ko'ruvchi Yusupov.L.O bir tomondan va keyingi o'rinlarda **"Pudratchi"** deb yuritiladigan "J-I SERVISE" MCHJ nomidan Nizom asosida ish ko'ruvchi A.A.Abduraimov. Mehnat shartnomasining qiymati 203 485 339 (Ikki yuz uch million to'rt yuz sakson besh ming uch yuz o'ttiz to'qqiz) so'mni tashkil etadi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:** Uchtepa tuman Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi tomonidan kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uchtepa tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi Bosh yuriskonsulti** **A.A'zamov**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 138725 на приобретение “Farxod” mahallasi 23 mavze 20-4 qavatli uyning oraligida “Bolalar maydonchasi”qurish

Способ проведения электронный

Дата 24.08.2022

Время рассмотрения 24.08.2022 16:58

Конкурсная комиссия Махалла ва оилани куллаб куватлаш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YUSUPOV LAZIZJON OBIDJON UG‘LI | Рахбар | Махалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Секретарь комиссии** | TULYAGANOVA NILUFAR MIRVALI QIZI | Бош хисобчи | Махалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | ASATOV ZIKRULLA ISMATOVICH | Булим бошлиги маслахатчи | Махалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | GULYAMOV JAMOLIDDIN XUSNUTDINOVICH | Етакчи мутахасис | Махалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEVA DILDORA TUYCHIYEVNA | Етакчи мутахасис | Махалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | SHUKUROVA SHIRIN TURAPOVNA | Иш юрутувчи | Махалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.08.2022 года № лота 138725.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Детская площадка** |
|---|---|
| Подробное описание | Фарход махалласида болалар майдончаси қуриш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 76 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 76 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Shartnomani bajarish uchun zarur kadrlar resurslarining mavjudligi to’g’risida ma’lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ishtirokchi 2 nafardan kam bo’lmagan qurilish-mantaj va ta’mirlash yo’nalishidagi mutaxassisilar va 5 nafardan kam bo’lmagan ishchilar to’g’risida ma’lumotlar taqdim etilishi lozim (elektron mehnat daftarchasi nusxasi va boshqa xujjatlar). Yagona milliy mehnat tizimi bazasidan olingan ma`lumot taqdim etgan ishtirokchilarga ustunlik beriladi. Ma’lumot taqdim

etmagan ishtirokchi tanlashdan ChETLAShTIRILADI.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 10 | Shartnomani bajarish uchun zarur kadrlar resurslarining mavjudligi to'g'risida ma'lumot. | 8 | Экспертная | | |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 10 | Кадрлар Мехнат.уз сайтидан QR код билан бириктирилди | 10 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR ХК** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО Fortuna Plus Umid** | 10 | 74000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Tanlash ishtirokchisi tomonidan korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza.

Тип: Текстовое значение

Описание: Tashkilotning rasmiy blankasida davlat tilida tasdiqlangan holda korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza taqdim etlishi shart. Ariza taqdim etmagan yoki korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik ma'nosini anglatmaydigan boshqa ariza taqdim etgan ishtirokchi tanlashdan ChETLAShTIRILADI.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 15 | Tanlash ishtirokchisi tomonidan korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza | 15 | Экспертная | | |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 15 | Коррупцияга йул куймаслик буйича ариза бириктирилди | 15 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR ХК** | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| **ООО Fortuna Plus Umid** | 15 | 74000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Tanlash ishtirokchisi to'g'risida umumiy ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Tadbirkorlik sub'ekti davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnoma nusxasi elektron shakli (davlat ro'yxatidan o`tganiga 3 yildan kam bo`lmagan ishtirokchilarga ustunlik beriladi); bank rekvizitlari, yuridik va pochta manzili, ta'sischi va benefitsiar to'g'risida davlat tilida tashkilotning rasmiy blankasida tasdiqlangan ma'lumotlar (ta'sischi va benefitsiarning STIR, pasport yoki ID-karta nusxasi elektron shaklda, telefon raqami), Mazkur ma'lumotlar yoki ma'lumotga ilovalar to'liq taqdim etilmasligi yoki noto'g'ri taqdim etilganligi aniqlansa minimal ball bilan baholabadi.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 20 | Tanlash ishtirokchisi to’g’risida umumiy ma’lumot. | 20 | Экспертная | | |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 20 | Умумий маълумотлар бириктирилди | 20 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR ХК** | 20 | 20 | 12 | Экспертная | | |
| **ООО Fortuna Plus Umid** | 20 | 74000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Kafolat xati.

Тип: Текстовое значение

Описание: O’ziga nisbatan joriy etilgan bankrotlik tartib-taomillarining mavjud emasligi; insofsiz ijrochilarning yagona reestrida qayd etilmaganligi; shartnoma tuzish uchun qonuniy huquqqa egaligi to’g’risida davlat tilida tashkilotning rasmiy blankasida tasdiqlangan holda taqdim etilishi lozim. Ishtirokchining kafolat xatini taqdim etmasligi yoki talablar asosida to’liq taqdim etmasligi minimal ball bilan baholanadi.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 10 | Kafolat xati. | 10 | Экспертная | | |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 10 | Банкротлик холатида эмаслиги тугрисида кафолат хати бириктирилди | 10 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR ХК** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО Fortuna Plus Umid** | 10 | 74000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Shartnomani bajarish uchun zarur moliyaviy resurslarining mavjudligi to’g’risida ma’lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Bank kreditlari bo’yicha muddati o’tgan qarzdorliklarning mavjud emasligi va 2021-2022 yillar hisob raqamidagi aylanma mablag’lari miqdori va takliflarni qabul qilish davrida hisob raqamida mavjud mablag’lar to’g’risida BANK ma ’lumotnomasi ilova qilinishi lozim. Bajariladigan ishlar qiymatidan ortiq mablag’ga ega bo’lgan ishtirokchilarga baholashda ustunlik beriladi. Ma’lumot taqdim etmagan ishtirokchi tanlashdan ChETLAShTIRILADI.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 10 | Shartnomani bajarish uchun zarur moliyaviy resurslarining mavjudligi to’g’risida ma’lumot | 5 | Экспертная | | |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY** | 10 | Оборот маблаглар ва К-2 маълумоти | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MANTAJ** | | бириктирилди | | | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR XK** | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| **OOO Fortuna Plus Umid** | 10 | 74000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №6 Shartnomani bajarish uchun zarur moddiy-texnik resurslarning mavjudligi to’g’risida ma’lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Tashkilotning rasmiy blankasida davlat tilida tasdiqlangan holda balansida bo’lgan ishlab chiqarilgan yili 20 yildan oshmagan texnikalar ro’yxati ilova qilinishi lozim. (ijaraga olingan texnikalarning belgilangan tartibda imzolangan shartnomalari ilova qilinadi). Ishtirokchi tomonidan ma’lumot taqdim etilmasligi minimal ball bilan baxolanadi..

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO J-I SERVISE** | 10 | Shartnomani bajarish uchun zarur moddiy-texnik resurslarning mavjudligi to’g’risida ma’lumot. | 5 | Экспертная | | |
| **OOO QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 10 | Балансдаги техникалар тугрисида маълумот бириктирилди | 9 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR XK** | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| **OOO Fortuna Plus Umid** | 10 | 74000000 | 6 | Экспертная | | |

Критерий №7 Bajarilgan ishlar va ish tajribasi to’g’risida ma’lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: 2021-2022 yillar mobaynida qurilish-ta’mirlash sohasida bajargan ishlari ro’yxati, mazkur ishlar bo’yicha imzolangan shartnomalar, topshirish-qabul qilish dalolatnomalari nusxasi elektron shaklda taqdim etilishi lozim. Mazkur e’londa ko’rsatilgan ishlar bilan bir xil turdagi ishlarni tuzilgan shartnoma shartlariga asosan bajargan ishtirokchilarga baholashda ustunlik beriladi. Ishtirokchi tomonidan ma’lumot taqdim etilmasligi yoki mazkur talab asosida taqdim etilmasligi minimal ball bilan baholanadi.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO J-I SERVISE** | 15 | Bajarilgan ishlar va ish tajribasi to ’g’risida ma’lumot. | 12 | Экспертная | | |
| **OOO QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 15 | Тажриба тугрисида маълумотлар бириктирилди | 15 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-** | 15 | 15 | 12 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ISTIQLOL-BUNYODKOR ХК** | | | | | | |
| **ООО Fortuna Plus Umid** | 15 | 74000000 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Soliqlar va yig'imlarni to'lash bo'yicha muddati o'tgan qarzdorlikning mavjud emasligi to'g'risida ma'lumotnoma.

Тип: Текстовое значение

Описание: Soliq organlarining elektron davlat xizmatlari portalidan olingan ERI bilan tasdiqlangan ma'lumotnoma (takliflarni qabul qilish davrida chop etilgan) taqdim etilishi lozim. Ishtirokchi tomonidan ma'lumotnoma taqdim etilmasligi yoki mazkur talab asosida taqdim etilmasligi minimal ball bilan baholanadi. Muddati o'tgan qarzdorligi mavjud yoki ma'lumotnomani noto'g'ri taqdim etgan ishtirokchi tanlashdan ChETLAShTIRILADI.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 10 | Soliqlar va yig'imlarni to'lash bo'yicha muddati o'tgan qarzdorlikning mavjud emasligi to'g'risida ma'lumotnoma. | 10 | Экспертная | | |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 10 | ДСИ маълумоти бриктирилди | 10 | Экспертная | | |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR ХК** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО Fortuna Plus Umid** | 10 | 74000000 | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | 76 000 000.00 | 73 000 000.00 UZS | 73 000 000.00 | 00.00 | 73 000 000.00 | 22.08.2022 17:18:59 | 100.00 |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | 76 000 000.00 | 73 725 325.00 UZS | 73 725 325.00 | 00.00 | 73 725 325.00 | 23.08.2022 14:35:49 | 99.02 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО J-I SERVISE** | Прошел | 100 | 100 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ООО Fortuna Plus Umid** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ** | Прошел | 99.02 | 99.02 |
| **NAMUNA-ISTIQLOL-BUNYODKOR XK** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138725 от 24.08.2022 года на приобретение “Farxod” mahallasi 23 mavze 20-4 qavatli uyning oraligida “Bolalar maydonchasi”qurish определила победителем:

ООО J-I SERVISE
308094068

и резервный исполнитель: ООО QARSHI PROMTEXSTROY MANTAJ (300685303)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YUSUPOV LAZIZJON OBIDJON UG‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ASATOV ZIKRULLA ISMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | GULYAMOV JAMOLIDDIN XUSNUTDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEVA DILDORA TUYCHIYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHUKUROVA SHIRIN TURAPOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП